

**Курбон ҳайитингиз ва Янги йилингиз
муборак бўлсин, азиз юрtingoшлар!**



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 30 декабр,
шанба № 207-208 (2257)

ИШОНСН

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Милад

Қор заррасин тутиб қололмас нигоҳ,
Гоҳ зарра нигоҳдан бағрим тилинди.
Орта қолган бўлсин хиёнат, гуноҳ,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Қорми — кул остида милтирайди чўғ,
Кетганлар жон узиб кетмаганлар, йўқ.
Сенга етганлар бор, етмаганлар — йўқ...
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Дехқоннинг уйини тўлдир бугдойга,
Умид бер мискинга, инсоф бер бойга.
Тинчлик, кўнглитўқлик — шоҳу гадойга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Қирқ йилда бир йигит келар оламга,
Йигит юрагимни кўмма аламга.
Яна қирқ йил хизмат қилай онамга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Арчажон, юмшатгин игналарингни,
Кел, ташла аразу гиналарингни.
Ойга чиқай босиб зиналарингни,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Кўк тоқига чироқ — ҳилол илинди,
Ёруғ ғуссаларга ошно дил энди.
Киприклар ҳам оппоқ атиргул энди...
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди!

Қадрли муштарий!
Кўз очиб юмғунча
2006 йилни якунлаб,
янги — 2007 йилинг
остонасида турибмиз.
Аввал бошдан йил
давомида биз билан
бўлганингиз, қувончу
ташвишларингизни
баҳам кўрганингиз
учун сиз азизларга
миннатдорчилигимизни
билдирмоқчимиз.
Умид қиламизки, янги
йилда ҳам «Ишонч»
сизнинг энг яқин
ҳамкорингиз ва
маслакдошингиз бўлиб
қолади.
«Ишонч» — доимо сиз
билан.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

... Бир биз эмас, бутун қишлоқдагиларнинг жони шу қадар ҳалакки, буларнинг бари сизга биттама-битта ёзиб таърифлаб беролмайман. Қодир магазинчининг кечадан бўйи кўли-кўлига тегмайди. Узиям нақд бир тонна мандарин билан хурмо сотди, шекиллиёв. Тўрт тул кесилган арчани кўриб Облоқул тоғбегининг жон-пони чиқиб кетди. У Қодир магазинчининг ёқасидан олиб беш-олти мартаба силтаб ташлади. «Шуларни кесганча менинг қалламини кессанг бўлмайди?.. Пул, деб нималар қилаялсан ўзи?..» деганча шовкин-сурон сола бошлади.

ЭССЕ

финганман. Ўзимизнинг сандални, сандал устидаги катта кўрпани, ўша кўрпа устига тўшалган дастурхонни сира-сира хаёлимдан кетказолмагандим. Қанийди акам, иккита укам шу тобда ўзимизнинг қишлоқда бўлиб қолсак, дея орзу қилгандим. ...Қишлоқда янги йилни бошқача кутиб олишади.

тепаликдан қишлоқ, унинг илон изи кўчалари, кимнинг не юмуш билан машгуллиги аниқ-тиниқ кўришиб туради. Эҳтимол сизлар йўловчи машиналарда келиб қоларсизлар? Эҳтимол сизлар хизмат машинангизда йўлга чиққансизлар? Кўраяпсизми, келишиклар, эгаликлар аралаш-қуралаш

ди. Кимнингдир чорбоғида занжирини шилдиратиб ит вовуллайди. Бир гала қуш шом қоронғилигида Ориф тоғамнинг теракзорига кўнди.

...Ака, янги йил деганлари чиндан ҳам соғинч экан. Кошкийди яна иккаламиз бирданига болаликка қайтиб қолсак. Қанийди эрталаб

Қодир магазинчи унинг қўлларидан юлқиниб чиқди-да, папкасидан бир варақ қоғоз суғуриб тоғбегининг олдига отиб юборди. «Ма, кўр... нима, мен сенга ўғриманми? Буларни шаҳардан сотиб олганман. Биттаси мактабга, биттаси боғчага деб ўйлагандим. Ана сендан кўрққандан ҳеч ким буларга қиё ҳам боққани йўқ. Пулга-ку чув тушиб турибман.. Сен бўлса қутурган туядек бақирганинг-бақирган. Тоғ дейсан, арча дейсан, каклик дейсан... Эсонали чўпон қўлидаги ирғай таёғини ҳам сен кўрганда милтиқ деб, ўйламаслигинг учун чопонининг этагига яширадиган бўлди...»

Бир қўлимда мой тўлдирилган чўба, бир қўлимда мандарин тўлғазилган елим халта, уларнинг жанжалини кўриб тахтадек қотиб қолибман, ака. Олтмиш хонадонли қишлоқда ҳам хангома деганларининг охири-кўринмайди...

Бугун эрталаб отам омборхонанинг эшигини очди. Ховлимиз, кўчамизни олма, беҳи, нокнинг хиди тутиб кетди. Шу десангиз меваларнинг юзини қирмочдай бўлиб чанг қоллаган. Уларни ушласангиз бармоқларингизнинг изи қолади. Бордию энгиз билан артсангиз шунақаям ялт-юлт қиладики.. Онам тол новдаларидан тўқилган саватни мевага тўлғазиб ховлига чиқди-ю, бир зум каловланиб тўхтаб қолди. Унинг кўнглидан нелар ўтганлигини мен биламан. Онам сизни жуда жуда соғинган. Соғинч унинг юрагини ўртаб юборган. Лаблари нималардир дея пичирлайди. «Ақбаржоним шулардан тўйиб-тўйиб есайди..» деяётганини онам гапирмаса ҳам лабларидан билиб оламан. Отам қовоқ уюб йўталади. «Дийдиёингни бошлама. Ақбар қайда бўлса ҳам, боши тошдан бўлсин» деган маънолар бор унинг йўталишида.

...Соғинч деганлари байрамларда билинар экан, ака! Соғинч деганлари янги йил оқшомларида этагиндан кўйиб юбормай, уйга кирсанг уйга, кўчага чиқсанг кўчага ортиндан соядек эргашиб юравераркан, ака!

Янги йилни бирга кутган болалик дамларимиз ёдингиздами? Ушанда ҳам онамизнинг сочига тақиб кўйилган калит билан омборхона эшиклари очиларди. Ушанда ҳам меваларнинг хиди гупиллаб ховлимизни, тор кўчаларимизни тўлдириб юборарди. Саксовул чўғи қиздириб турган сандалга белимизгача кўмилиб хушбўй олмалар ердик. Кўзимиз соат милларида бўларди. Пиёздоғ исидан бошимиз айланиб, кўзларимиз тиниб кетарди. Кейин иссиқ элитарди. Соат ўн иккени кутмай ухлаб қолар-

Янги йил оқшомида битилган

мактуб



дик. Бизнинг хархашамиз эрталаб бошланарди. Отам кулар, онам эса жилмаярди. «Бизда нима гуноҳ, кўзичоқларим. Шунча силкиласак ҳам кўзларингни очмадиларинг...» дейишарди улар. Сандал устига ёзилган дастурхонда эса икки коса ош турарди. Яна дастурхон устида олмалар, ноклар, беҳилар юмалаб ётишарди.

Бундан уч йил аввал шаҳарда сизлар билан янги йилни кутганим сира-сира ёдимдан чиқмайди. Очиги бунчалик чиройли тузатилган дастурхонни умримда биринчи бор кўришим эди. Менга бананлар ҳам, кивилар ҳам, тортлар, шарбатлар ҳам ёқди. Мушакларнинг турфа ранглари шунақаям чиройли эдики, дўстларингиз янгам билан сиз ҳақингизда кўпдан-кўп яхши гапларни айтишди. Қадахлар жаранглади. Кулгулар пайдарпай бўлди. Фақат айрим дўстларингиз чертиб-чертиб, топиб-топиб сўз айтганлари билан, ҳаҳ нима десам экан, яъни ўзлари кулганлари билан кўзлари кулмасди. Кизиғи, одамнинг ўзи кулиб, кўзи кулмаса, у айтаётган сўзларда тафт бўлмас экан. Ўша сўзларнинг иссиғи кўнгилга етиб келмас экан. Кулгу деганлари қайлардир умаланиб, йўқолиб изсиз кетар экан. Ушанда сиз «Наргиза, қалай хурсандмисан? Шаҳар яхши-я, сенинг хурсанд бўлишингни жуда-жуда хоҳлагандим...» дея дам-бадам мени сўроққа тутардингиз...

Ака, биласизми ўша оқшомда ҳам қишлоқни со-

Қандайдир босиб кутиб олишади. Ҳаяжонлар, қувончлар тилларда эмас, кўнгилларда яшайди. Ниятлар, орзулар дуоларнинг пинжида нафас олади. «Юртимиз тинч, болаларимиз омон, одамларимизнинг кўнгли эса хотиржам бўлсин...». Отам ана шундай дуо қилади. Ажаб, янги йил оқшомларида ҳам у киши дуоларига тоғларни, даштларни, арчаю кўй-кўзиларни кўшиб фотиҳа қилади. Янги йил оқшомидаги тилакларга сойлар, қушлар, пинанзорлар кўшилиб кетганлигини энди-энди тушунапман. Элнинг омонлиги, ўтлоқларнинг тўлиқ бўлиши, кўнгилларнинг хотиржамлиги отам учун давлат экан.

...Ана Карим аканинг автобуси молховузнинг олдига ёнғоқ остида тўхтади. Ундан на сиз, на янгам, на укаларим тушди. Мен буларни дераза ойнасидан кўриб турибман. Ахир уйимиз тепаликда жойлашган. Бу

бўлиб кетаяпти. Ахир мен хаёлимга келган сўзларни тузатмай, пардоз бермай қоғозга тушираяпман-да.

...Қош ҳам қорайди. Боягина тиззадан ошувчи қорларни ялтиратган қуёшнинг сўнги нурлари Бурчалитош қирларининг устида бир зум турди-да, кейин кимдандир хафадай кўринмай қолди. Ана Облоқул тоғбеги уйига қайтди. Қодир магазинчининг дўконидан чироқ ёнди. Одамларнинг гала-говури бизнинг уйимизгача элас-элас бўлса-да етиб келаяпти. Қишлоқни ёғга тушган гўшт ва пиёздоғ иси босиб кет-

отам «хўш, бўлақол, калитни бер...» дегандек томоқ қириб онамга қараса. Онам тол новдаларидан тўқилган саватни кўтариб, омбордан иккимиз учун юзлари сал чангга беланган мевалар олиб чиқса! Сандалда жингилу саксовул чўғи бўлса!

Иккимиз сандал устига ёпилган кўрпани иякларимизгача тортиб соатга тикилиб ётсак. Кейин тонг отса. Кейин иккимиз бир бўлиб отамга, онамга нега уйғотмаганларини айтиб биргаликда хафа бўлсак. Улар кулишса... Улар бизни юпатишса... Дастурхон устида эса олмалар, беҳилар юмалаб ётса.

Ака, бироз сарғайган қоғозга ёзилган бу мактубимни мен сизга эртага жўнатаман. Бугун эса менинг ҳам, отам билан онамнинг ҳам хаёли фақат сизларда бўлади. Эсингиздами, бундан уч-тўрт йил муқаддам, мактабнинг юқори синфларида ўқийётган дамларда шаҳарда юрган акамга, яъни сизга ҳар гал хат ёзганимда уни бир хил жумлалар билан тугатар эдим. Ҳозир ҳам кўнглимда ана шундай ният бор. Бу мактубни сизга азиз синглингиз Наргиза жўнатаёпти. «Хатоси бўлса кечиринг, ўчирғич билан ўчиринг». Биласизми, ака...

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист





Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аъзоларига

Хурматли дўстлар!

Сизларни Қурбон ҳайити ва кириб келаётган Янги йил билан Федерация кенгаши ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман.

Ҳеч шубҳасиз, Юртбошимиз раҳнамолигида ўтаётган ҳар бир йилимизни тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга мувофиқ бўлдик. Айниқса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» саховат ва ҳомийлик сабоғи билан эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдирадиган йил бўлди. Янги йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши буюк давлат барпо этиш йўлидаги эзгуликларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлидаги давлат сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайди ва мамлакатни модернизациялаш ишида бундан кейин ҳам фаол қатнашадилар. Ислохотларни чуқурлаштириш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳаларда тараққиётга эришиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш 2007 йилда ҳам ҳаётимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолади.

Янги йилдаги эзгу ишларингизда Сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик ва муваффақият тилаб қоламан.

**Дилбар
ЖАҲОНГИРОВА,**
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси раиси

Сафархисаб



Хатлар - ҳаёт ойнаси. Улар ҳамиша эзгулик сари бошлайди. Мактуб орқали бир-бирини кўрмаган, билмаган қалблар дўстлашади, фикрлашади, ҳамкорлик ришталарини боғлайди.

Шу маънода яқунланаётган 2006 йилда ҳам газетамиз тахририяти ўзининг доимий мухлислари, фаол жамоатчи мухбирлари каторида яна юзлаб қалам-кашлар билан улар юборган хат ва хабарлар орқали дўстлашди, ҳамкорлик ўрнатилди, дейишга ҳақлимиз.

тартибда фаолият кўрсатаётган субъектлар йил билан боғлиқ Давлат дастури ни рўёбга чиқа-

дан Э. Кимсанбоев йўллаб, жумладан, шундай фикрларни мамнуният билан изҳор этади: икки йил аввал тадбиркор ака-ука Раҳимжон ва Расулжон Раҳмоновлар ўз жа-

Газетамиз мазмун-моҳиятига кўра ниҳоятда кенг қамровли эканини шундан ҳам билса бўладики, йил давомида 40 дан зиёд мавзу қамраб олинди. Энг муҳими, тахририятимизга келган деярли барча хат-хабарлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинди ва уларнинг саҳифаларда чоп этилишига эришилди. 130 дан ортиқ киши эса ҳуқуқий маслаҳатхона орқали ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди. Шунингдек, айрим ишлаб

чиқариш бўғинларида меҳнатга оид қонун талаблари бузилган ҳамда ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишни сўраб

ёзилган 170 та шикоят-аризанинг эллик фоизи мухбирларимиз аралашуви билан жойида ўрганилиб, «Журналист суриштируви», «Мактуб йўлга чорлади», «Бир хат изидан» каби руқнлар остида танқидий-таҳлилий мақолалар тайёрланиб, мавжуд муаммоларнинг барта-раф этилиши таъминланди. Қолганлари ҳам тегишли ташкилот ва муассасалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида амалдаги қонулар доирасида ўрганиб чиқилди.

Газета ранг-баранглигини таъминлаш ҳамда унинг ўқишлилигини янада оширишда қашқадарёлик Хайрулла Тўраев, Абдунаби Бобоёров, Андижондан Наби Жалолов, Шухрат Келдиев, Қобилжон Шокиров, наманганлик Равшанбек Мирзаолимов, Омон Нурматов, Тошкентдан Акбар Алиев, Рўзи Маҳкамов, Шохрух Қодиров, хоразмлик Дилдора Мухамедова, Комилжон Мухторов, Жиззахдан Келдиёр Жўрақулов, Алибой Эргашев, Қорақалпоғистон Республикасидан Болта Эрнафасов, Каримбой Жуматов сингари ўнлаб жамоатчи мухбирларнинг катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик шарофати билан ҳукуматимиз асосий эътиборни инсон манфаатларини оширишга, унинг

Хатларда инсон қалби мужассам

* Тахририят 2006 йилда жами 1150 та хат-хабар олди. Шундан 1000 таси газета саҳифаларида чоп этилди.

* 170 та шикоят-хатнинг 70 таси вилоят ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилиб, аризалар муаммоси ҳал этилди.

* 90 та шикоят-хатни ўз мухбирларимиз томонидан ўрганилиб, танқидий мақолалар ёзилиши ва аризаларда таъкидланган камчиликлар бартараф этилишига кўмаклашилди.

* Газетада танқидий мақола чоп этилгач, 10 нафар мулкдорнинг мулкни қайтарилди.

* 50 дан ортиқ мақолалар бўйича жойлардан фикр-мулоҳазалар билдирилган жавоблар олинди.

* 24 та ариза эҳсис газети аралашуvidан сўнг ҳақ-ҳуқуқни тикланганлигини билдириб, миннатдорчилик изҳор этди.

ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашга ва ишловчига етарлича шароитлар яратиб беришга қаратапти. Муҳим жараёни рўёбга чиқаришда қасаба уюшмалари ташаббусни қўлга олиши, корхона ва жамоат ташкилотларида етакчилик қилиши шубҳасиз. Бироқ тизим яловбардорларнинг камтар ва камсуқумлиги туфайли, айтайлик, чекка бир қишлоқдаги корхонада ишчиларга яратилаётган қулайликларни ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Ёки газетанинг ўз мухбири барча ишларга тўлиқ улгуради, деб бўлмайди.

Ана шундай пайтда жамоатчи мухбирлар ва қаламкашлар йўллаётган хабарлар асқотади. Йил давомида мухлисларимиз қўлига етиб борган 208 та газетанинг аксариятида шу мазмундаги хабарлар, мақола ва лавҳалар, очерклар, куннинг долзарб масалаларига йўғрилган хат-хабарлар жой олган.

Йилларнинг алоҳида-алоҳида номланиши у ёки бу масалага чуқурроқ ёндошиш, ҳалқимизга хос меҳр-мурувват куртакларининг янада баравж ўсишига туртки бермоқда. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ҳам шу саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми бўлиб, йил бўйи жуда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Корхона ва ташкилотлар, фермер, тадбиркор ҳамда ишбилармонлар, якка

мухбиримиз Рўзижон Умаров. — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида саховатпеша инсонлар саъй-ҳаракати билан 18 нафар болалиқдан ногирон кишиларга аравача, эшиткич мосламалари олиб берилди. Меҳрга муҳтож ҳамда боқувчисини йўқотган 210 та хонадон ҳам улар эътиборидан четда қолмади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан биргаликда ҳомийларнинг мадади туфайли марказий шифохона бўлимлари замонавийлаштирилди, олис қишлоқлардан тўрттасида қишлоқ врачлик пунктлари қурилди...

Ёки айна шу мазмундаги мактубни Жалакудук тумани-

ришда мағмасидан замонавий маҳалла гузари ҳамда ёшларни ишга жалб этиш мақсадида тикиш-бичиш цехларини қуриб, фойдаланишга топширишган эди. Жорий йилда ҳам ташландиқ қолга келиб қолган бинони таъмирлаб, қишлоқ амбулаториясига тақдим этишди.

— Шаҳрисабз — вилоятдаги энг катта туманлардан бири, — деб ёзади жамоатчи

Қарши туманидаги Яхши Омонов номли фермерлар уюшмасидан, Урганч шаҳрида жойлашган «Жайхун» хусусий корхонаси, «Сурхонтекстиль» ҳиссдорлик жамиятидан юборилган хат ва хабарларда ҳам хайру саховат йўлидаги яхши ишлар қаламга олинган. Мавзуларнинг батафсил ёритилишида хатлар орқали дилимизни пайвасталаётган жамоатчиларимиздан мамнун ҳолда Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам уларнинг янада фаоллашувида ижодий барақа ҳамроҳ бўлиб қолишини истаймиз.

Тилагимиз битта: ҳаёти-миз янада фаровон бўлсин, ишларимиз доимо бароридан келсин.

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими



Йилнинг энг фаол муаллифлари

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
ёзувчи

Карим НОРМАТОВ,
профессор

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори

Мусакул УСМОНОВ,
Тошкент Молия институти профессори

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Асрор НИЗОМОВ,
геология-минералогия фанлари номзоди

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Рустам ҲАЙДАРОВ,
журналист

Саид АНВАР,
ёзувчи

Шарофат АШУРОВА,
ёзувчи

Турғун ЗИЯЕВ,
фахрий доктор

Шеркул ШОДМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори

Нодира АҲОҚОВА,
филология фанлари доктори

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Аскарали МАМАТОВ,
журналист

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

Абдулла САИДОВ,
мактаб ўқитувчиси

Абдували ЭҒАМБЕРДИЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди

Акбар АЛИЕВ,
журналист



Йилнинг энг фаол касаба уюшма муассислари

Аскарали СУЛТОНОВ, ЎзКУФК маданий, маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби

Шавкат СУЛТОНОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси

Озод ХУШНАЗАРОВ, «Охангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма раиси

Жўра Йўлдошев, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати касаба уюшмаси Самарқанд вилояти Кенгаши раиси

Фаолларимиз

Самимиятга ошно кўнгил

Озод ХУШНАЗАРОВ 14 йилдирки, «Охангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда унинг нафис шеърлари, публицистик мақола ва очерклари кўпчиликда қизиқиш уйғотиб келган. Озод Хушназаров Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика танловида иштирок этиб, ўзининг «Сўроқлаб келишдимми, демак, ишонишади» очерки учун касаба уюшма ижодкор фаоллари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Куйида Озод аканинг содда, самимий ижод намуналаридан бири эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



ОҚШОМ



Қизлар ўчоқларга қалайди олов,
Борлиққа чўқади сирли сукунат.
Йилдода долалар ёнади лов-лов,
Аста тебранади ям-яшил кўкат.



Кўёш олисларда бир парча олов,
Қишлоқ гўзаллиги дилни этар ром.
Кўчани гавжумлик эгаллар дарров,
Атрофга оҳиста қуйилади шом.

Миннатдорчилик

«ИШОНЧ» ҲИМОЯ ҚИЛДИ

Оқ олтин туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигидан 69-гектар ер олиб «Жўра-Машраб» фермер хўжалигини очгандим. Ернинг ҳолатини яхшилаб, фарзандларим билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирдик. Шунингдек, ўндан ортиқ кишини иш билан таъминладик. Ҳар йили режалар уддаланаётган эди. Шундай бўлсада, ўтган йили туман ҳокимининг ноқонуний қарорига кўра мулкимиз тортиб олинди.

Масалала дахлдор кўп ташкилотларга мурожаат қилиб кўрдик. Бироқ натижа чиқмади. Шундан сўнг «Ишонч» газетасига шикоят-ариза ёздик. Тахририят аралашуви билан «Сабр таги саргардонликми?» номли танқидий мақола ёзилди. Қисқаси, ноқонуний қарорлар бекор қилиниб, мулкимиз ўзимизга қайтди. Экин майдонларини шудгорлаб, кузги бугдойни кўкартириб олдик. Ҳақ-хуқуқимизни тиклашда ёрдам берган газета тахририятдан миннатдоримиз.

Машраб Жўраев,
Оқ олтин туманидаги «Жўра-Машраб» фермер хўжалиги раиси



Йилнинг энг яхши матбуотчилари

Нурилла ШАМСИЕВ: «Шундай яшар одатда одам» (18 июл, 119-сон), «Етакчига кўп нарса боғлиқ» (25 январ, 13-сон), «Сен барибир ибратсан, Тангем!» (4 феврал, 20-сон), «Ватан танда, жонда, қонда бўларкан» (18 август, 136-сон)

Эргаш ОЧИЛОВ: «Эй хату лаълинг қошида...» (27 январ, 14-сон), «Шарқдан чиққан кўёш» (26 май, 89-сон)

Иброҳим НОРМАТОВ: «Шарҳ бедарвоза эмас» (27 январ, 14-сон)

Абдухалил РАЗЗОҚОВ: «Дунёнинг етти мўъжизаси» (28 январ, 15-16-сонлар)

Эргаш ОЧИЛОВ: «Нафъинг агар халққа бешақдур...» (4 феврал, 20-сон)

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, Амина ҚОДИРОВА: «Ўз вужудингни тафаккур айлагил...» (8 феврал, 22-сон), «Давлат етиб меҳнат элин унутма...» (14 феврал, 26-сон), «Нега ерга қарайсан, Раъно?» (10 апрел)

Гулчехра ЖАМИЛОВА: «Она қалби» (10 феврал, 23-сон)

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН: «Устоз кўрган шогирд» (25 феврал, 33-сон)

Собиржон РЎЗИМАТОВ: «Ўзингга эҳтиёт бўл» (28 феврал, 34-сон)

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ: «Эзгулик яхши тилақдан бошланади» (3 март, 36-сон)

Роза САЙДАҲМЕТОВА: «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл» (4 март, 37-38-сонлар)

Асрор НИЗОМОВ: «Қашқадарё воҳаси сардобалари» (11 март, 43-44-сон)

Озод ХУШНАЗАРОВ: «Сўроқлаб келишдимми, демак, ишонишади» (20 март, 48-49-сон)

Иzzат ҲИКМАТОВ: «Жайхун каби уйғоқ одамлар» (25 март, 53-54-сонлар), «Раҳбар бўлиш осонмас» (28 ноябр, 188-сон)

Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД: «Гадойбой ва Романов ҳамкорлиги» (1 апрел, 58-сон)

Кўчкор НОРҚОБИЛ: «Халқнинг ҳаловати тинчлик туфайли» (14 апрел, 66-сон)

Мирза Анвар КАРИМОВ:

«Дуо қилишни биласизми?» (15 апрел, 67-сон)

Набижон ЖАЛОЛИДДИН: «Бу менинг халқим — андижонлигим!» (20 апрел, 74-сон), «Шу юрт, шу Ватан деб» (10 май, 81-сон)

Боир ХОЛМИРЗАЕВ: «Исми билан туғилган бетакрор ижодкор» (6 май, 79-80-сонлар), «Кўзида кўёш қулган одам» (9 август, 131-сон)

Султонмурод ОЛИМОВ, Лазизжон БАҲРОМОВ: «Осон яшашнинг йўли» (12 май, 82-сон)

Раҳимжон ОРИПОВ, Эркин УСМОНОВ: «Инсон уфққа интилади...» (20 май, 87-сон)

Жаҳонгир ШАРОФБОВ: «Оқибат» (23 май, 88-сон)

Мансур АЛОВУДДИНОВ: «Қашқир изидан» (27 май, 90-91-сон)

Амина ҚОДИРОВА: «Китоб, кутубхона ва китобхон» (30 май, 92-сон), «Гўдак жилмайса, дунё яшнаркан» (31 май, 93-сон), «Эзгуликка очилган юрак» (30 сентябр, 160-сон)

М.ИБРОҲИМОВ: «Бу ерда ҳеч қачон чироқлар ўчмайди» (9 июн, 98-сон)

Рустам ДАВЛАТОВ: «Алпомишга алла айтган момоларим...» (10 июн, 99-сон)

Барно РАҲМОН: «Муҳаббат чилласи» (10 июн, 99-сон)

Довуд МАДИЕВ: «Бахт — танланган йўлинг» (17 июн, 102-130-сонлар), «Фермер мағрур жаранглайди» (9 сентябр, 149-150-сонлар)

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА: «Бир ажиб севги» (17 июн, 102-103-сонлар)

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ: «Давлатнинг салобати» (20 июн, 104-сон)

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ: «Наботот аввал яралганми ёки жонзот?» (23 июн, 105-сон), «Инсонга соянг тушин» (15 сентябр, 152-сон)

Зайниддин РИХСИЕВ: «Осиёдан вакил қолмади» (27 июн, 108-сон), «Сонми ё сифат» (21 ноябр, 185-сон)

Сафар КАТТАБОВ: «Одина жомъе масжидининг қисмати» (30 июн, 110-сон)

Фулом ЮСУПОВ: «Чимён Фаргона маъжаси» (11 июл, 116-сон)

Нўмон МЎЙДИНОВ: «Адолатдан мунавар маскан» (14 июл, 117-сон)

Собиржон ЖАББОРОВ, Жаҳонгир ШАРОФБОВ:

гир ШАРОФБОВ: «Қонун ижодкорлиги — масъулиятли жарраён» (14 июл, 117-сон)

Мактуба МЎМИНОВА: «Мўъжиза бағридаги мўъжиза» (15 июл, 118-сон), «Сотка замонавийлик белгисими?» (4 ноябр, 176-177-сонлар)

Будир ПЎЛАТОВ: «Илдизимиз омон бўлсин» (15 июл, 118-сон)

Раимқул СУЯРОВ: «Қабристондаги қотиллик» (22 июл, 121-сон), «Ҳаёт гавҳари» (28 июл, 125-сон)

Карим НОРМАТОВ, Холдор ЭРГАШЕВ: «Кашандалик умр эгви» (22 июл, 121-сон)

Убайдулла УВАТОВ: «Умумбашарий таъзим ва эҳтиром» (26 июл, 124-сон), «Тарихимизнинг ёрқин юлдузлари» (26 сентябр, 157-сон)

Мамасоли АБДУРАҲМОНОВ: «Одамлар ташвишида» (1 август, 126-сон)

Сандмурод ШЕРНАЗАРОВ: «Эзгулик ва бағрикенглик» (9 август, 131-сон)

Ҳидоят ЖўРАЕВА: «Шабнам бағридаги келажак» (12 август, 132-сон), «Ота номи улуг» (14 октябр, 166-167-сонлар)

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ: «Истиклол имконлари» (12 август, 132-сон)

Асад АСИЛ: «Жаҳонга юз очаётган Оқтош» (16 август, 134-135-сонлар)

Қозоқбой Йўлдош: «Қатийят куртаклари» (22 август, 138-сон)

Маҳмуд НАЗАРОВ: «Туркиуй машойихлар сарҳалқаси» (23 август, 139-сон)

Шерқул ШОДМОНОВ, Турғун ЗИЯЕВ, Шоира ИСРОИЛОВА: «Фаровон ҳаёт гарови» (23 август, 139-сон)

Юсуф ҚУРБОНОВ: «Саодатли кунлар шуқуҳи» (25 август, 140-сон)

Тўра ҲАЛИМОВ: «Саховатли Чорикўлбой» (30 август, 145-сон)

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ: «Аввалгиларга ўшамас» (5 сентябр, 148-сон), «Тадбиркорларнинг тадбиркор раиси» (10 октябр, 164-сон)

Шарқия ЭШЖОНОВА, Эрпўлат БАХТ: «Зулм исканжасида» (16-сентябр, 153-сон)

Раъно МАҲКАМОВА: «Тўйдан олдинги учрашув» (26 август, 141-142-сонлар), «Пул йиғувчи ёки шунақа касб ҳам борми?» (16-сентябр, 152-153-сонлар)

Мирзохид СОДИҚОВ: «Касаба уюшмалари ва «халқ дипломатияси»» (19 сентябр, 154-сон)

Баҳодир ТУРСУНОВ: «Хонанда нега «сарик матбуот» эрмагига айланмоқда?» (23 сентябр, 155-156-сонлар)

Пиримқул ҚОДИРОВ: «Инсон ҳаёти, фаолияти ва тақдири» (26 сентябр, 157-сон)

Эрпўлат БАХТ: «Нажот маскани» (3 октябр, 161-сон)

Неъмат РАФИҚОВ: «Мустақилликнинг мунаввар кўёши» (11 октябр, 165-сон)

Рўзимбой Йўлдошев: «Она тилимиз мавқеига пугур етмасин» (17 октябр, 168-сон)

Иzzатилла ҲОЖИЕВ: «Далаларни соғиниб яшайман» (25 октябр, 172-сон)

Абдуманноп АЗИМОВ: «Ёшлик, жўшқинлик ва камолот» (25 октябр, 172-сон)

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА: «Эшиқларимиз барча учун бирдек очик» (1 ноябр, 175-сон)

Маммура ҚУТЛИЕВА: «Маънавиятсиз тараққиёт ёхуд бир ёқлама «юксалиш» оқибатлари» (8 ноябр, 178-сон)

Озода МУҲИТДИНОВА: «Миллат соғлиги учун масъулимиз» (11 ноябр, 180-сон)

Ҳ.Жўрабоев, У.ИБОДИНОВ: «Касаба уюшмаси фаол бўлмагач» (14 ноябр, 181-сон)

Тўлқин ШЕРНАЕВ: «Қалбдан кўнган туйғулар» (18 ноябр, 183-184-сонлар)

Мансур АЛОВУДДИНОВ: «Инсофга келинг, директор» (29 ноябр, 189-сон)

Шавкат ТУРОБ: «Ҳожатбарор қаламкаш» (5 декабр, 192-сон)

Сайёра РАШИДОВА: «Инсон номи муқаддас» (13 декабр, 197-сон)

Зухра БОТИРОВА: «Инсон манфаати — олий қадрият» (20 декабр, 202-сон)

Эътироф «ИШОНЧ» ҲИМОЯ ҚИЛДИ


Намангандан Самарқанд вилоятидаги ташкилотга бориб ишлаб юрдим. Айрим мутасаддиларнинг меҳнат хавфсизлиги қондаларига рияз этмагани боис, ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиб, бир кўлимдан ажралдим. Дастлабки кезларда ташкилот мутахассислари ноғиронлик нафақаси тайинлаб, товон пулини бөлгилашди. Аммо ишлар «босди-босди» қилинган, уни тўлашдан бош тортишди.

Масалала дахлдор шахсларга бир неча бор учрашиб кўрдим. Бироқ ҳар хил ваҳлар билан 2,5 йил сарсон қилишди.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Ишонч» газетасининг аралашуви билан тўланмай келинаётган товон пуллари ундириб олишга муваффақ бўлдим.

Ишонччи ҳамкор, яқин маслакдош ва ҳимоячи дўстларга минг раҳмат!

Олтинжон РАҲМОНОВ,
Чўст тумани





Ният

Бугун Қурбон ҳайити. Бу қадимий байрамни бутун мамлакат миқёсида оммавий равишда нишонлар эканмиз, буни озодлик ва эркинлик шарофатидан деб биламиз. Биз бу улуг байрамни бутун дунё мусулмон олами билан бирга нишонлаётганимиз учун Оллоҳга шукр. Ҳар йили Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимиз ва халқимиз номига хорижий давлатларнинг раҳбарлари, таниқли давлат ҳамда жамоат арбоблари, турли халқаро ташкилотлар, мустақил мамлакатимизнинг хориждаги дўстлари, умуман, бизга хайрихоҳ бўлган биродарларимиздан келаётган табрикларни ўқиб калбимиз қувончга тўлади.

Тўғриси, халқимизнинг авлод-аждодлари, ота-боболари динига эътиқоди ҳатто мустамлака пайтимиздаги оғир синов йилларида ҳам сўнмай, Оллоҳ бизни шу кунларга етказганига шукр. Юртимизда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик мустақамланиб бораётганига шукр. Бугун биз кўча ва хиёбонларни сайр қилиб юрганимизда, хонадонлар-у маҳаллаларни оралаб бир-биримизни кутлаганимизда, ота-онаю мўтабар қариялар дуосини олганимизда, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганимизда, байрам дастурхони атрофида ўтириб турли ноз-неъматларни татиб кўрганимизда шукрона айтишни унутмайлик. Биз Оллоҳнинг иродаси билан Мустақиллик деган улуг неъматга эга бўлдик ва диний байрамни нишонлаш бахтига эришдик.

Азизлар, бугун биз байрам қилиш билан бирга, қўни-қўшни ва қариндош-уруғнинг, етим-есир ва бева-бечоранинг, ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг, муҳтожларнинг байрам дастурхонини безашда қийналиб қолганларнинг ҳолидан хабар олайлик.

Албатта, ҳар биримизга байрам дастурхонини турли ноз-неъматлар билан безаш насиб этсин. Бироқ, орамизда иложсиз кўнгли ўқиб қоладиганлар бўлмаслиги керак. Афсуски, баъзан шундай ҳолатлар кузатилади! Дастурхонни кўз-кўз қилиш, қўшнини ёки қариндош-ни «доғда қолдириш», яъни ким ўзарга безаш ҳолатлари ҳам бор. Оқибатда баъзи оилалар қийналиб ёки қарзга ботиб қолишлари мумкин. Ваҳоланки, ота-боболаримиз оддий бўғирсоқ, чўзма-қатлама, қанд-курс билан ҳам ҳайитни шоду хурамлик ила нишонлашган. Урф-



одат ва анъанага айланиб қолган ўз қадриятларимизга нима етсин.

Қисқаси, Қурбон ҳайити миллий қадриятларга хос ва мос байрам. Бу Африкадан келтирилган банан ёки Голландия шоколади, Украина тортни ёки Россия конфети билан мақтанадиган байрам эмас. Аксинча, эзгулик, меҳр-мурувват, саҳийлик билан савоб оладиган байрам. Қарияларга, ногиронларга, ёлғиз кишиларга, етим-есирлар ва бева-бечораларга ҳайитлик улашас. Бунинг савобига нима етсин. Ҳатто бировга битта нон ёки бир қултум сув бериш ҳам, салом бериш ёки бир оғиз ширин сўз айтиш ҳам эзгуликдир.

Бировни ташвишдан халос этишга бўлган интилиш ҳам эзгуликка мойилликдир. Ташвиш деганда фақат ҳаёт қийинчиликларини тушунмаслик керак. Баъзан маънавий, оилавий, тарбиявий, шахсий ва бошқа ташвишлар ҳам инсонни тушқунлик ҳолатига солиб қўяди. Ҳайит ҳар бир инсон бир-бирини ана шундай ташвишлардан халос этадиган кун. Агар буни унутмасак, савобга — Тангрининг муқофоти

сазовор бўламиз. Ҳадисда бу борада шундай дейилган: «Кимки бир мўминни шу дунёдаги бирор ташвишдан халос этса, Тангри унинг охиратдаги ташвишларидан халос этади. Кимки бечо-

дад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак».

Бугун биз жаҳон мусулмон оламининг бир бўлагимиз. Парвардигор бизни шу кунларга ет-

сак, Оллоҳнинг бизга марҳамати ёғилаверади. Ношукурлик эса фалокат келтиради. Баъзилар ношукурлик қилиб, жамиятдан, ҳаётдан, ўзгалардан нолиб юрадилар. Ҳар бир инсон

Меҳр чашмаси тўлиб-тошсин!

хато ва камчиликни, омадсизлик ва аламзадалик, бахтсизлик сабабларини аввало ўзидан қидиргани маъқул. Кўпинча сабр-сизлик ношукурликка сабаб бўлади. Инсон мақсадга сабр-қаноат билан эришади. Сабр-қаноат эзгуликка, завқли кунларга, ҳидоятга элтади. Саъдий Шерозий шундай деган:

Қаноатни қўлга киритолсанг,
эй, дил,
Ором дунёсида ўзинг
сарвар бил.

Ҳайит бугунги кунимизга шукрона айтиб, ором дунёсида ўзимизни сарвар деб биладиган кун. Бугунги байрамнинг ҳикмати шундаки, у ака-укаларни, опа-сингилларни, бошқа қариндош-уруғларни, таниш-билишларни, маҳалладошларни, ҳамкасбларни, дўсту биродарларни бир-бирлари билан одамийлик хислатлари ила боғлайди. Бугун миллионлаб биродарларимиз ўз қалбларида бир-бирларига нисбатан заррача бўлсада ҳасад, гумон, ғубор қолдирмай, аксинча, поклик, софлик, ҳавас, меҳр ила ҳидоят ва хотиржамлик тилайдилар. Яна бир истак шуки, агар имкон бўлса, бугун эрталаб ўз уйингизда ёки қўни-қўшни, қариндош-уруғ, таниш-билиш хонадонидан ҳалол луқмадан ёки қурбонлик гўштидан тановул қилинг. Эҳтимол бу сизни бутун йил давомида саҳий ва саховатли, меҳр-оқибатли, муҳтожларга ҳамдард бўлишга ундаб турар. Ижтимоий ҳимоядан кўзланган мақсад ҳам шу.

Азиз юртдошлар, биродарлар, Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Уч аср билан юзлашганлар

— Нурунийлар фахримиз. Уларнинг доно маслаҳатлари, олтинга тенг дуолари эзгу ишларимизга барака киритмоқда, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Роҳила Хайруллаева. — Айни

фахримиз сифатида алоҳида ҳурмат кўрсатиб келаяпмиз.

Дарҳақиқат, нурунийлар эл эъзо-

Зомин ўзига хос гўзал табиати, соф ҳавоси, пурвиқор тоғлар бағридан оқиб чиқувчи зилол сувлари, шифобахш ўт-ўланлари билан дунёга машҳур.

Шу боис ҳудудда яшовчи одамларнинг аксарияти тоғликларга хос соғлом, бақувват, содда, самимий. Бу ерда елкаси ерга тегмаган полвонлар, донгдор чавандозлар, ҳар ишда ўқтам, зиёли, боғбону чорвадорлар яшади. Айниқса, туманда узок умр кечириётган нуруний отахонлар, кексалик гаштини сураётган онахонлар жуда кўп. Бу — биринчидан, Зоминнинг мусалффе табиати, мўтадил об-ҳавосидан бўлса, иккинчидан, халқнинг қадриятларга садоқати, бобомерос анъаналар асосида ҳаёт кечиришидандир.

«МЕҲНАТ БИЛАН ШУ ЁШГА ЕТДИМ»

дейди 119 ёшни қаршилаган Зилолой момо Элмуродова

қунда ҳудудимизда 8 минг 186 нафар қария яшайди. Уларнинг барчаси кучли ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган. Туман ҳокимлиги, касабга уюшма ташкилотлари ва турли жамғармалар билан ҳамкорликда иш олиб бораётиб. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бу хайрли ишлар янада кенг қўлам касб этади. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, кўп болали, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа миқдори қайта кўриб чиқилади. Бу эса биз — ижтимоий таъминот ходимларининг масъулиятини янада оширади. Шу маънода айни кунда 108-120 ёшни қаршилаган 8 нафар нуруний отахон ва онахонларимиз ҳолидан хабар олиб, байрамларда совға-саломлар билан кўнглини кўтариб,

зида. 87 ёшни қаршилаган Нурбой бобо ҳаётдан, жамият ривожидан, энг муҳими, ҳукуматимизнинг нурунийларга эътиборидан мамнун. Ҳамон ёшларга хос ғайратли, болаларига бош бўлиб томорқага қарайди, мол боқайди. Хуллас, тиним билмайди.

— Шундай замонда қўл қовуштириб ўтириб бўлармиди, — дейди отахон.

Уч аср билан юзлашган, 109 ёшни қаршилаган Муқаррам момо Шуқурованинг ҳаёти билан қизиқдик. Онахоннинг тўрт қизи, икки ўғли, 60 дан зиёд нева-чеваралари бор экан. Нуруний онахон Қаробчи Қунғарбой қишлоғида тўнғич қизиникида яшар экан.

— Куёвим ниҳоятда одамшаванда, оқибатли, фарзандларимдан ҳам

ортиқ менга меҳр кўрсатади.

Абдуҳолик ака, табаррук онахон айтганларидек, қишлоқнинг маданиятли, ҳурматли, ўқимишли кишиларидан. 40 йил мактабда ишлади. Ёшларга она тили ва адабиётдан дарс беради. Ҳозир пенсияда, қарилик гаштини сурмоқда. Олти нафар фарзандини эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаб, уйли-жойли қилди.

Муқаррам момонинг тўнғич ўғли Иккинчи жаҳон урушига кетиб, ота-онаси бағрига қайтиб келиш насиб этмади. Мана 65 йилдирки, Муқаррам момо урушни лаънатлайди, тинчликни алқайди.

119 ёшли Зилолой момо Элмуродова зоминлик онахонлар тимсоли. Унинг кийимлари ҳам

ўзига хос. Музейдаги тарихий кийимларга ўхшайди. У туман марказидан 40 километр узоқликда юксак тоғлар бағридаги сўлим Ўрикисой қишлоғида таваллуд топган. Шу ерда турмушга чиқиб, 50 йил далада меҳнат қилди. Ер чопди, ўроқ ўрди, чорва боқди. Тўрт ўғил, уч қизнинг орзу ҳавасига 70 нафар қурбон нева-чеваралар қувончи қўшилиб, умрига мазмун бағишлади.

— Меҳнат билан шу ёшга етдим, — дейди табаррук онахон. Давлатимиз биз кексалар бошида соябон, раҳнамо. Ойма-ой ҳисобдан адашмай пенсия пулимизни беради. Байрамларда совға улашишади. Нева-чевараларим эса яхшилик мевалари. Уларнинг камолини кўриб қувонаман. Бизнинг ёшлигимиз қандай замонларда кечган эди. Тўрт девор ичида гўзал болалик орзуларимиз қолиб кетди. Бугунги қизалоқларга ҳавасим келади. Зулфияхо-




ним қизлари бўлиб дунёга донг таратадиган ишларни қилаёпти. Буларнинг бари одил ва оқил Президентимиз шарофатидан, ул зотни ҳамиша дуо қиламан, умрлари узун бўлсин!

Муқаррам ва Зилолой момо каби табаррук нурунийларимиз бор экан, юртимиз янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораверади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси муқофоти совриндори

Республика Акционерлик Тижорат Банки



«ФАЛЛАБАНК»

Мустақил Республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган
Янги — 2007 йил билан муборакбод этади!

Ужтимоий ҳилмоя йилида ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли ва жамгармали янги, жозибадор, омонат турларини таклиф этади

- * «MUKOFOT» омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 000 сўм;
- * «SOVG`A» омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган кунни, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 500 000 сўм;
- * «MENR» омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 500 000 сўм;
- * «MO`JIZA» омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 000 сўм қилиб белгиланган.

Омонат банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳалда унинг қатъий сир сақланиши «Фаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ФАЛЛАБАНК» омонатлари — келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ФАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Марказий қўмитаси**

**Мамлакатимиз
фуқаролари ва соҳа
ходимларини кириб
келаётган Янги йил
байрами билан самимий
табриклайди.**

**Янги йилда оилавий
хотиржамлик, бахт-
саодат, узоқ умр,
Ватанимиз равнақи
йўлидаги ишларига
муваффақиятлар
тилайди.**

Муҳтарам юрtdошлар!
 Фарғона вилоят касаба уюшмалари
 ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Сизларни
 яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити ҳамда
 Янги 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»
 билан муборакбод этади.

Янги йилда Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
 тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ҳамда
 юртимизнинг равнақи ва фаровонлиги йўлидаги
 самарали фаолиятингизда зафарлар
 тилайди.



Сурхондарё вилояти таълим
 ва фан ходимлари
 касаба уюшмаси Кенгаши

Юртимиз ўқитувчилари ва барга
 фуқароларни муборак Қурбон ҳайити ва
 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»
 билан қизик муборакбод этади.

Соҳа яловбардорларига ёш авлодга
 таълим-тарбия беришдек омижаноб
 ишларида муваффақият тилайди.

**Муборак газни қайта ишлаш заводи
маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси**

*Корхона ишчи ва хизматчиларини
Янги йил билан самимий қутлайди.*



*Уларга мамлакатимиз аҳолисини газ
билан таъминлашдек масъулиятли
ишларида зафарлар тилайди.*

**«Бекободцемент» акциядорлик жамияти
касаба уюшма қўмитаси**

*Корхона ишчи-хизматчилари ва
республикамиз аҳолисини кириб келаётган
янги — 2007 йил ҳамда Курбон ҳайити
билан муборакбод этади.*

*Мамлакатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда
омад ёр бўлсин, азизлар!*



Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари

Нурхон Раимованинг номи адабиёт мухлисарига кўпдан таниш. Ижодкорнинг равон, ширали шеърий сатрлари, таъсирли ҳикоялари, киссалари ўқувчиларда яхши таассурот қолдирган. Доимо одамлар орасида бўлиш, замондошлар билан мулоқот, уларнинг орзу интилишлари, ўй-хаёлларини юракдан ҳис этиш ижодкорга янги-янги мавзулар бермоқда. Нурхон Раимова асарларида қахрамонларнинг қатъий иродаси, улугъиятларини самимият ва кўтаринкилик билан ифода этади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Нурхон Раимова наср йўналишида ғолиб бўлди.

Ҳикоя

Арафа

Осмон оқара бошлади. Борликдаги сукунатни дарахтларнинг шохлари орасидаги жонсарак қушларнинг қанот қоқишлари жонлантираётган бир пайтда энди кўзи илинган Барно кўча эшикнинг тарақлаб очилганидан чўчиб бошини кўтарди. Ўрнидан туриб ним қоронғу йўлакка чиқди. Остонада турган оёқ кийимини кийиб девордаги электр тугмачасини босди. Ховли чарогон бўлиб кетди. Боқижон чарм курткани ёқасини кўтариб олганча совуқдан шумшайиб рўпара бўлди.

— Бунча кеч? — дея сўради Барно унинг ортидан уйга кириб. — Ҳар куни шу аҳвол-а!

Боқижон жавоб ўрнига ҳорғин бир қараб кўйди-да, уст кийимини ечиб диванга ётди-ю ухлаб қолди. Барно аламли бок-

ди. Бошигача кўрпага бурканиб олган эрининг қаерда бўлганини, қаердан келаётганини ўзича тасаввур қилди. «Қандай одам ўзи бу? Эгри йўлга нега кириб кетди? Нима қилай, уришайми? Ким билан гаплашиб юганини билиб, шармандасини чиқарайми?!» — бошини ёстиққа кўйганча хаёлга толди.



Тонг

ёришиб, кўчада машиналарнинг қатнови, одамларнинг овози, итларнинг ақиллаши эшитилган

паллада ўрнидан турди. Нонушта тайёрлади. Болалар мактабга кетгач, иккиси ёлғиз қолди. Эрни кўлдан чиқармаслик учун аёл киши ўзига қараши, пардозандозга вақт ажратиши, ширинсўз бўлиши керак, деган ақидага амал қилган Барно қошига қалам қўйиб, қулоғига анчадан буён сандиқда ётган балдоғини тақиб олганди. Боқижон нонуштадан сўнг кўчага отланди:

— Ишга борай.

Барно илгичдаги курткани олиб узатди: қорача, озгин, қабоқлари ичга ботган бу аёлни кўрган одам қирқдан кам ёш бермасди. У синовчан нигоҳини Боқижонга тикканча:

— Эртага янги йил байрами, уйга вақтлироқ келинг, — деди.

Боқижон курткани кияётиб кўз ташлади. «Туришини! Арчага ўйинчоқ осгандай сирға тақиб олганини-чи!» — ҳам раҳми, ҳам гаши келди:

— Одамларнинг хотинига ўхшаб семирсанг бўлмайми?

— Бу ўзининг кўркамлигини, гўзал, дўндик аёлларга муносиблигини билдириб қўйиш учун хотинига кўнгли йўқ эркакнинг ўйламай-нетмай айтган гапи эди. — Уйда ҳамма нарса бор, катта-катта еб ўтирмайсанми?

Барно бор кучини кўзларига йиғиб гап қайтарди:

— Рўзғор, маҳалла-кўй, уй ишлари, болаларни мактабга жўнат, кир-чирини юв! Мен қаёқдан семирай, эртадан кечгача тиним билмасам. Ўзингиз кўчадан келмай қўйгансиз. Кичкинтойингизнинг суннат тўйи ҳақида ўйламайсиз ҳам. Билиб юрибман болаларингизнинг ризқини қийпасиз. Рози эмасман!

— Тўхмат қилма!

Барно ҳозир жанжалга астойдил бел боғламоқчи бўлар, аламдан титраб-қақшаётганидан бунинг урдасидан чиқолмас, гапнинг калаваси учини тополмай каловланарди. Деворга сунганча йиғлаб юборди. Аёлига ҳеч қачон ҳисоб бериб ўрганмаган Боқижон қаттиқ бир тикилди, ҳеч нима демая шахд билан кўчага чиқиб кетди.

Барно ошни дамлаб, боя ўзи пиширган тортни дастурхонга қўйди. Уйнинг тўрида арча безатилган. Болалари билан телевизордаги кўрсатувни томоша қилиб ўтирса-да, хаёли Боқижонда эди. «Ҳадемай янги йил киради, дадаси. Сиз уйда йўқсиз. Қаердалигингиз Худога аён!..»

Боқижоннинг кеч келишига кўникиб қолган болалар бу гал чидолмади:

— Аяжон, дадам қачон келадилар?

Барно учун азобли туялган дақиқалар бирдан тугади!

Остонада Боқижон пайдо бўлди. Келтирган совғаларини улашиб:

— Янги йил қутлуг бўлсин, болаларим! — деди ва жилмайганча чўнтагидан бир даста пулни олди. — Аяси, тўйга ишлатасан.

Барно аллакимларнинг уй қурилишидаги безак ишларида доимо банд бўлган эрига қаради-ю кеча айтган гапидан уялди. Девордаги соат янги йил кирганини билдириб бонг урди. Ташқарида отилган мушаклардан атроф чарогон бўлиб кетганди...

Нурхон РАИМОВА

Теленовелла



Телевизор экранида уфққача қор босган қишлоқ манзараси кўринади. Қулоқларига наушник илиб олган, чиройли соқол ва мўйлов қўйган новча оператор, унинг ёнида эса, кўлида микрофон ушлаган, калта пўстин кийиб олган, миқти гавдали журналистни кўрамиз.

Экранда туя судраб бораётган «Тико» автомобили кўринади.

Журналист хандон лабларини микрофонга яқин келтиради, қувноқ-қувноқ гапирди.

— Мана, зумрад қиш кириб, ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланди. Биз вилоятнинг энг чекка қишлоқларидан биригача зўрға етиб келдик. Тўғриси айтиш керак, машинамизни сахро кемаси ҳисобланган Нортуя шатакка олган дамлар жуда кулгили бўлди.

Экранда яна туя тортиб бораётган «Тико» яқиндан кўрсатилади.

— Қишлоқда яшаш қандай гўзал! Қаранг, ҳаммаёқ оппоқ чойшаб билан ўраб қўйилгандай. Дов-дарахтлар изгиринда визиллаб турибди. Бутуқлар орасидаги тўп-тўп қушлар хурлайиб олишган. Қулоқлар гўё бир парча музга айланган. Биз бу ерда ўтин орқалаб бораётган тўксон ёшлар чамаси, Сабри хола-

Қиш интервьюси

ни учратиб, у кишини «Қиш интервьюси»га таклиф қилдик:

— Хўш, Сабри хола, қишлоқда яшашнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлса керак, тўғрими? Мана, тўксон ёшда бўлсангиз ҳам бир кучоқ ўтинни бемалол орқалаб кетяпсиз.

— Илож қанча, болам? Пешонамизга шу жойлар ёзилган бўлса...

— Қалай, қишнинг қаттиқ келганидан хафа эмасмисиз, хола?

— Йўқ, болам, йўқ. Яна бир-икки кун бундан ҳам совуқроқ бўлгани дуруст.

Журналист овозига ваҳимали тус берди:

— Нега, энди?

— Курт-кумурсқаларга қирон келади-да, болам. Хабаринг бўлса, бултур ёзда ҳамма мева-чева куртларга ем бўлиб кетди-ку!

— Яхши! Жуда яхши гапирдингиз, хола. Энди бўёғини анави камерага қараб давом этинг. Хўш, бу совуқ қиш кунлари қишлоқда электр узилишлари бўлмаётми, ишқилиби?

— Иликтр яхши-да, болам. Илоё, бунга ўйлаб топганларнинг жойи жаннатда бўлсин. Фақат кечқурунлари биздагилар шалғомдек қизариб қолади, болам. Қуввати камлигидан уяладими-ей... Барибир, яхши. Шамол кучайганда, ёмғир ёққанда, тўй-пўй ўтаётганда ўчиб-ўчиб қолади, холос. Иликтр яхши, болам.

— Шундай қилиб, ёмғир ёққанда ўчади дейсиз-ми, хола?

— Аёл оғзига рўмолини тутиб кулади.

— Кўпинча шундай. Бу ҳам шамоллаб қолади-ми, дейман-ов!

Мухбир хандон отиб кулади. Кўзларини қалин қўлқопининг орқаси билан артади.

— Ха-ха-ха! Оласиз-да, хола, оласиз!

— Бўлмаса, газ қандай? Гуриллаб турибди-ми?

— Газ зўр, болам. Илоё, бунга ўйлаб топганларнинг жойи жаннатда бўлсин. Газ келмаган ўтган йилларни ўйласам, кўлимиз косов бўлган экан-да, деб хўрлигим келади, болам. Лекин, неварам тушун-

тириб берди, буям ернинг тубидан чиқар экан. Кўлдан берганга қуш тўймас дейдилар, болам. Айнаи совуқ пайтлари, йўлда музлаб қолса керак-да, бизгача етолмай қолади. Қалин қор тушгандан буён алангаси шамнинг пилигидай зўрға кўтарилиб турибди. Лекин, устига ҳўл ўтин ташласак ҳам, гуриллатиб ёқади. Шунгаям шукур қиламиз, болам.

— Об-бо! Шундай қилиб, қор ёғса, газ бўлмас экан-да, Сабри хола? Бўлмаса, айтинг-чи, қишлоқда сув таъминоти яхши бўлса керак?

— Қишда ариқларнинг суви қурийдими, болам. Ҳарқалай, кўп қийналмаймиз: тарновларнинг тагига челақ, тоғораларни қўйволамиз. Гоҳ ёмғир, гоҳ қор дегандай... Сувимиз бор, болам. Сувимиз бор.

— Сабри хола, мен сиздан водопровод суви ҳақида сўраяпман.

— Ха-а, қувур суви дейсан-да, сен, мухбир болам! Бизда ҳали қувур суви йўқ. Бўлгандайям ариқ сувига ҳеч ёлчи-маган қишлоққа қувур дош берамиди, мухбир болам? Қувур суви ичишга ҳали кўп қовун пишиғи бор, болам...

— Рост гапларингиз учун Сизга катта раҳмат, Сабри хола.

— Ана, холос! Ҳали теливизорда ёлгон гапирадиганлар ҳам бор-ми, болам?

Журналист тилини тишлаб, бош чайқаганча, экрандан узоклаша боради. Хўш нарида туриб, унинг буюёқ тикилганча қувноқ қўл силкиётганини кўрамиз.

— Хўп, хайр, Сабри хола! Сизга соғлиқ тилайман.

— Йўқ, тўхта, болам. Жийда, қурутлардан бериб юбораман сенга. Туркиндан шаҳарликка ўхшайсан. Болаларингизга олиб бор.

Экранда қорга беланган қишлоқ манзараси яхлит кўламда кўринади.

Дарахтларда кўнишиб ўтирган қушлар галаси.

Бурқсиб тутун кўтарилаётган мўрилар яқиндан кўрсатилади...

Музаффар ТУРСУНОВ, ёзувчи

Элга хизмат



Ҳар қандай байрам дастурхонининг кўрки нон билан. Дехқон пешона тери эвазига етиштирилган бугдой уни новвой кўлида ўзгача сайқал топиб, дастурхонимизга файзу барака ки-

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

ритади. Уни турли кўринишларда чиройли, хуштаъм қилиб тайёрлаган пазандалар эса ҳаммаша истеъмолчилар ҳурмат-этиборига сазовор бўлади, элнинг дуосини олади. «Бухородон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Кўксарой» новвойхонасининг ҳар бир ишчисини ана шундай инсонлар сирасига киритса хато бўлмайди.

— Мен шу атрофдаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайман, — дейди ўзини Замира Эргашева деб таништирган харидор. — Атрофимизда нон дўконлари кўп. Лекин биз ҳар доим рўзгоримиз учун керакли нон ва қандолат маҳсулотларини шу савдо дўконидан харид қиламиз. Чунки бу ерда фақат юқори сифатли маҳсулот сотувга чиқарилади.

Ҳа, Германиядаги «Винклер» фирмасининг замонавий технология асосидаги ускуналари билан жиҳозланган ушбу новвойхона ва савдо дўкони ҳаммаша харидорлар билан гавжум. Жамоа ҳар куни 50 турдан ортиқ нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришмоқда.

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатишни олий бурчимиз деб ҳисоблаймиз, — дейди новвойхона мудир Бахтиёр Сафаров. — Ва шунга яраша ишлашга ҳаракат қилаёلمиз. Корхонамиздан ҳар куни аҳолига 2,2-2,5 тонна нон ва 180-200 килограмм қандолат маҳсулотлари тортиқ этилмоқда. Харидорларимизнинг Янги йил байрами дастурхони файзига файз қўшиш мақсадида яна 5 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ишонч» мухбири
Суратда: Уста новвой Азизбек Калонов ва унинг ёрдамчиси Нилуфар Шаронова ши устида.

Олмалиқ «АММОФOS» очик акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси



*Келажак буюк давлат куриш учун
кўлни-кўлга бериб, баҳамжисхатликда
меҳнат қилаётган кўп миллатли
Ўзбекистон халқини яқинлашиб кела-
ётган 2007 йил билан муборақбод
этади.*

*Янги йил барға-барға омадли кел-
син. Хонадонимиздан кўп-барока
аримасин, яхши ният билан бошлаган
ишларинимиз бағрифидан келсин, бахт-
саодат ҳамиша ҳамроҳинимиз бўлсин!*

Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фондининг 2005 йилдаги фаолияти бўйича ҲИСОБОТ

1. Фондининг 2005 йилдаги фаолияти шарҳи:

Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат Фонди 2004 йил 12 ноябрда ташкил этилган бўлиб, хайрия, ҳомийлик ёрдамлари асосида иш олиб боради. Жамоат Фонди 2004 — 2005 йиллар мобайнида Устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳудудий теле ва радиостанциялар, кабель студияларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ҳамда самарали тадбирларни молиялаштириш бўйича иш олиб борди.

2. Фондининг 2005 йилдаги йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини «Marikon-Audit» МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти ўтказган. Аудиторлик ташкилоти ўзининг ижобий аудиторлик хулосасида Фондининг молиявий ҳисоботи унинг 2005 йилдаги молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиришини, ҳамда амалга оширилган молиявий хўжалик операциялар амалдаги қонунчилик нормаларига ва Фондининг Устав фаолиятига тўғри келишини қайд этган.

3. Фонд олган ихтиёрий хайриялар тўғрисидаги маълумотлар:
2004 йилда 579.250.000 сўм, 2005 йилда 50 миллион сўм ҳомийлик ёрдамлари ҳамда 31 миллион сўм дивидент олган. Жами: 660.250.000 сўм.

4. Фонд 2004-2005 йилларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаган.

5. Фонд 2005 йил давомида 6 та семинар-тренинг ҳамда 6 та лойиҳани молиялаштириш учун 95.388.729 сўм, маъмурий харажатлари учун 7.533.000 сўм, капитал харажатлар учун 258.173.015 сўм, бошқа харажатлар (валюта курсидаги фарқ) учун 385.643 сўм сарфлаган. Умумий харажатлар 361.480.387 сўмни ташкил этади.

6. Фондининг Уставида ва органларида 2005 йил давомида ўзгаришлар бўлмаган.

7. Фондининг Уставида ёки Фондининг Васийлик Кенгаши томонидан белгиланган бошқа маълумотлар йўқ.

«ОЛМАЛИҚ ТОФ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ


Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати
ходимларини кириб келаётган
муборақ Қурбон ҳайити ҳамда Янги йил байрами
билан самимий қўтлайди!

Янги йилда ҳар бир юрtdошимиз хонадонида файзу
барака, тўқин дастурхон, оилавий хотиржамлик
ҳукмрон бўлсин!

2007 йил барчамизга сиҳат-саломатлик, омад,
муваффақиятлар ва бахт йили бўлиб келсин!



**«O`zmevasanoat-holding»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**



*Барча юртидошларимизни
Қурбон ҳайити ва
2007 – «Ўнпиминчи
ҳимоя йили» билан
қизини табриклайди.
Янги йилда уларга
омлавий хотинроқамлик,
бахти-саодати,
узок умр пиллайди.
Байрам шижурси абадий
бўлсин!*

**ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК БИЗНЕС, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ, САВДО ХОДИМЛАРИ
ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



*Мамлакатимиз фуқароларини
кириб келаётган Қурбон ҳайити ва Янги йил билан
самимий муборакбод этади.
2007 йил барчамиз учун муваффақиятлар йили бўлсин!*

✓ Байрам учрашуви

Ўзбекистонда миллий опера санъати асосчиларидан бўлган халқимизнинг сеvimли санъаткорлари Халима Носирова, Саодат Қобуловаларнинг давомчиси, ёқимли, жилвадор, лирик овоз соҳибаси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ҳақида кўп ва ҳўб эшитгансиз. У ҳозирги Эллиқалъа туманида таваллуд топган. Санъатга бўлган иштиёки туфайли 7 ёшидаёқ мактаб ўқитувчилари назарига тушди. 1971 йилда ёш Муяссар «Мархабо, талантлар» республика кўригида «Устозлар» кўшигини айтиб, жарангдор овози билан барчани қойил қолдирди. Ушанда ҳайъат аъзоси бўлган Саодат Қобулова ёш ижрочиға катта баҳо бериб, келгусида тарбия топса профессионал кўшиқчи бўлиб етишажагини башорат қилганди.

У 1981 йили ўрта мактабни тугатиб, катта ишонч билан консерваторияга ўқишга кирди. Буни қарангки, орадан йигирма йил ўтгач, Муяссархонга ёшлигида оқ йўл тилаган профессорлар Розалинда Лаут ҳамда Саодат Қобуловалар устозлик қилишди. Биринчи устози, немис миллатига мансуб Р. Лаут серқирра опера кўшиқчиси, вокал педагог-мутахассиси сифатида Ўзбекистон тарихи саҳифаларида ёрқин из қолдирган.

Консерваторияда устозларидан опера санъатининг нозик сир-синаотларини ўқиб-ўрганиб, таҳсил олган Муяссархон ўқишни тугатиб, 1988 йилда Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта опера ва балет театрига яккахон хонанда бўлиб ишга қабул қилинади. Уни яхши билган театр жамоаси, ёш иқтидорли санъаткорга катта ишонч билан дастлаб Ойхон («Майсаранинг иши», С. Юдаков), Дилором («Дилором», М. Ашрафий), кейинчалик эса Розина («Севилья сартароши», Ж. Россини), Виолетта, Жильда («Травиата», «Риголетто» Ж. Верди), Лючия («Лючия ди Ламермур», Г. Доницетти) каби дунёга машҳур асарларда бош партияларни ижро этишни топширади. Муяссар Раззоқова ўз устозларидан олган билим ва тажрибаларини ушбу спектакллар ижросида намоён қилади. Бир-бирига ўхшамаган хилма-хил образларни яратиш, зукко томошабинлар олқишини олиш осон бўлмади, албатта. Ойлар, йиллар мобайнида ўз устида кунт билан ишлаш, ижодий изланишлар туфайли қатор жозибдор опера асарлари мухлислар қалбидан жой олди.

Муяссархон Раззоқованинг нималарга қодирлиги, 1989 йили Тошкентда ўтказилган ёш опера ижрочиларининг республика кўригида намоён бўлди. У биринчи мукофотни қўлга киритди. Келгуси йилларда Латвия, Венгрия, Италия давлатларида халқаро конкурслар совриндори бўлди. 2005 йилда эса Санкт-Петербургда ўтказилган Об-

разцова номидаги Ёш опера ижрочиларининг VI халқаро кўригида ҳайъат аъзоси сифатида қатнашди.

Маълумки, Ўзбекистон опера санъати ўзига хос тарзда ривож топди ва шаклланди. Айниқса, мустақиллик йилларида Муяссархондек кучли, колоратурали, сопрано овозли опера хонандалар етишиб чиқди. Ўз тенгдошлари орасида катта шухрат қозониб, чет эллар-



да ҳам мухлисларини топди. Иқтидорли санъаткорнинг АҚШ, Россия, Германия, Франция, Венгрия, Туркия, Корея ва Миср мамлакатларида ижодий сафарларда бўлаётганлиги ўзбек миллий опера санъати жадал юксалаётгани белгисидир.

Таниқли композиторлар (Ж. Верди, Оскар «Бал маскарад», Г. Доницеттининг Адина, «Мухаббат шароби») асарларида бош ролларни ҳамда партияларни маҳорат билан ижро этиши томошабинларни янада мафтун этмоқда.

— Чет эл сафарларида контракт асосида ишлашни таклиф этишганми?

— Албатта, айниқса, дунёга машҳур бўлган Италия опера театридан 1993 йилдаёқ таклиф тушганди, ле-

кин мен ўшанда бу таклифни рад этганман. Нима бўлганда ҳам, она юртимни азизроқ кўрганман.

Ҳозирги кунларгача жаҳонга опера санъати билан машҳур бўлган Елена Образцова билан Муяссар Раззоқова ўртасида ижодий ҳамкорлик давом этиб келади. Дунё опера санъати ривожига муносиб ҳиссасини кўшиб келаётган жаҳон опера юлдузлари Елена Образцова ва Зураб Соткилавларнинг 2004 йилда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон халқ ар-

нажак ижодий режаларини гапириб берсангиз?

— Миллий опера миз бўлган «Тоҳир ва Зухра» операсини режиссёри миз Ҳайдарали Қосимов томонидан қайта сахналаштириш



САХНА

бўлбўли

тисти Муяссар Раззоқова ижодий кечасида қатнашиши катта воқеа бўлган эди.

«Муяссарнинг ажойиб овози бор. Ўз мактабига эга санъаткор. Уни катта келажак кутмоқда», дейди, жаҳон опера юлдузи, Россия Давлат мукофотлари лауреати, Москва Давлат консерваторияси профессори Елена Образцова.

Тиниб-тинчимас ижодкорнинг 2005 йили Москвада халқаро мусиқа уйида, Санкт-Петербургдаги як-

кахон концерт дастури россиялик томошабинлар томонидан катта олқишларга сазовор бўлди. Шу йилнинг апрел — июнида эса моҳир санъаткоримиз Санкт-Петербургдаги жаҳонга машҳур «Маринский» театри жамоасида ўз малакаси, маҳорати, ижодий йўналишини янада шакллантириб, Ж. Вердининг «Травиата», Г. Доницеттининг «Лючия ди Ламермур» асарлари бош партияларини Россияда хизмат кўрсатган артистлар, таниқли вокал педагоглари Лариса Гергиева, Грайер Ханеданян ва В. Сохевлар ҳамкорлигида қайта тайёрлади. Хонанданинг бирдан-бир орзуси ушбу асарларни қайта ишлаб, жаҳон опера театларида муносиб ўрин эгаллаш.

— **Келгуси йилда қили-**

режалаштирилди. Бу асарда Зухра образини миллий руҳда, янги талқинда ижро этмоқчиман.

— Май ойида бўладиган концерт дастурингизга янги мумтоз кўшиқлардан тайёрлаш ниятингиз борми?

— Ҳа, албатта. Ўзбек миллий операси асосчилари, вокал санъатининг йирик намоёндалари, классик кўшиқларимизнинг моҳир ижрочилари, Ўзбекистон халқ артистлари Халима Носирова ва Саодат Қобуловалар ижро этган, халқ назарига тушган «Хуш келибсиз», «Дугоҳ» сингари кўшиқларни янги талқинда оркестр билан ижро этмоқчиман.



Қолаверса, Ж. Вердининг «Эрнани» операсидаги Эльвира образини яратиш.

— Чет эл сафарлари ҳам режада борми?

— 2007 йилнинг I чорағида Копенгагенга таклиф этилганман. Бу шаҳарда янги опера театри ташкил этиляпти. Бу анжуманга бутун дунё опера хонандалари ташриф буюришади. Баҳонада ижодий мулоқотлар ҳам ўтказилади, албатта.

Муяссархон кўшиқ куйлаганда жўшиб куйлайди. Уни бамисоли денгизга қиёсланган келади. Гоҳ тўлқинли, гоҳ мавжли, гоҳ сокин, гоҳ жарангли овози борлиқни қамраб олади. Мухлисларни сеҳрлайди, ўзига мафтун этади.

— Устоз ва шогирд аъналарига қандай қарайсиз?

— Юқорида айтилганидек, асосий устозим Р. Лаут ҳамда Саодат Қобуловалар бўлишган. Устоз кўрмаган

шогирд ҳар мақомга йўрғалар дейишган донишмандлар. Мен ҳам шу мақолга амал қилиб, ҳозирда келажаги порлоқ опера хонандалари Малика Норматова ҳамда Маҳбуба Исмоилова сингари консерватория магистрларини шогирд қилиб олганман. Улар ҳам яқинда ўзбек миллий кўшиқчилигида, жаҳон опералари кўрик-танловларида совринли мукофотлар соҳибалари бўлишди.

Ўзбек миллий санъатининг давомчиси, хонанда ва опера кўшиқчиси, бетакрор овоз соҳибаси Муяссар Раззоқованинг ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида янада ривожланиб, жаҳонга та-

нилди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари концерт дастуридан мунтазам равишда ўрин олиб келган, барча мухлисларга таниш «Травиата» операсидаги Муяссархоннинг Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов билан бирга айтган дунё ва бошқа кўшиқлари томошабинлар қалбиди ҳамиша жаранглаб туради.

Серқирра ижодкор, мафтункор, бетакрор овоз соҳибаси, мамлакатимиз опера санъатининг булбули, жаҳон опера шайдоларини ўз санъати билан лол қолдириб келаётган Муяссархон Раззоқовага келгусида барча орзу-ниятлари ижобат бўлишини, жаҳон сахналарида янги-янги асарлари, ария ва кўшиқлари билан баланд парвоз этажагини Яратгандан сўраб қоламиз.

Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири





ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИМЛАРИ

Ўзбекистон касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси
Баходир **ТОЖИЕВ**га



Масъул бўлиш нақадар оғир,
Уйку йўқдир гоҳо тонготар.
Вазн ташлар ҳар кун спортчи,
Спортчидан у кўп йўқотар.

Академик эшак эшиш баҳсларида XV Осиё
ўйинлари чемпиони опа-сингил Севара ва Зарина
ҒАНИЕВАларга



Туғилмоқ бор, бирга турмоқ йўқ,
Дейишгани экан ғирт ёлгон.
Шоҳсупага бирга чиқишди,
Тушишмасмиш энди ҳеч қачон.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Ахборот ва
коммуникация технологиялари масалалари»
қўмитаси раиси
Хуршид **ДУСТМУҲАММАД**га



Тиним билмас елиб-югуриб,
Улгуролмас ортидан куёш.
Бир бош яхши, иккиси — ундан,
Елкасида унинг ўнта бош.

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари
ташкilotлари бирлашмаси кенгаши раиси
Соғиндик **НИЕТУЛЛАЕВ**га



Ҳуқуқини билмаган одам
Равон жойда қоқилар мункиб.
Шу боиски юрган йўлида
Илдам борар пар, момик тўкиб.

Ўзбекистон халқ шоири
Охунжон **ҲАКИМОВ**га



Осон эмас шоир аҳлига,
Жўшиб ёзиш учун туғилган.
Дард чеккан-ку биров, у ўзин
Кўшиб ёзиш учун туғилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига
бирлашган касба уюшмаларининг назорат-
тафтиш комиссияси раиси ўринбосари
Фахритдин **АХМЕДОВ**га




Тафтишчидан валломати ҳам
Чўчиб турар, бир четга қочиб.
Жарроҳ гўё, сал ўтмай кўяр
Кўр кўзларнинг кўзини очиб.

Ўз мухбиримиз
Нурилла **ШАМСИЕВ**га



Самимий кўп, кулиб турар,
Аммо қатъий, сўзи битта.
Мухбирлар кўп — катта-кичик,
Сирдарёда ўзи битта.

Ҳазиллар муаллифи
Зайниддин **РИХСИЕВ**



Хушхабар

Ўқувчиларга СОВҒА

Пойтахт мактаблари қўшимча яна 300 та компьютер қурилмаси ҳамда 15 та проектор жиҳозига эга бўлди. Бу ўқув-техника воситалари Корея республикаси Сеул таълим департаментининг тошкентлик ўқувчиларга янги йил совғаси сифатида тақдим этилди. Мана ўн йилдирки, мазкур таълим департаменти Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан яқин алоқа боғлаган. Бундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ, ўқувчилар ўртасида корейс тили бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирланмоқда. Улардан 25 нафар Корея таълим муассасаларида ўқиш учун йўлланмани қўлга киритди. Ҳозирда 11 нафар ўғил-қиз Сеул шаҳрида ўз билимини оширмоқда.

Акбар **АЛИЕВ**

Қатра

Йилнинг алмашинуви ҳаётимизни янги мазмун билан бойитади, шодликларга ошно қилади.

Йил биз учун энг азиз бўлган ҳаёт номили неъматнинг ўлчов-мезонидир. Биз бу ҳақда у алмашаётган паллада кўпроқ ўйлаймиз. Вақтнинг югуриклиги, умрнинг ўткинчилиги ҳақида кўпроқ гапираримиз. Демак, ундан кўпроқ фойдаланишимиз керак деймиз. Улгурмаганимизу улгурганимизни ҳисоб-китоб қиламиз. Қолган ишларимизни охирлаб қўйишга шошиламиз. Янги йил учун, кейинги ҳаётимиз учун нималарнидир режалаштираемиз.

Хуллас, декабрни ҳаёт ҳақидаги орзу-ўйлар, қувончли ва изтиробли хотиралар, бир-биридан фаройиб ниятлар оғушида ўтказамиз.

Назаримда, вақтнинг энг бахтли, энг югурик палласи — декабр. Айни лаҳзаларда қайсимиздир ўтаётган йил ҳаётимизга тортиқ қилган шодликларни ҳаяжон билан тилга оляпмиз, яна биримиз хайрият, шу йил ҳам ортда қоляпти, муаммолар кейин-

ги йилга қўзилмасин-да ишқилиб, дея ўзимизни овуятпмиз. Нима бўлганда ҳам йил билан рози кайфиятда хайрлашишга уриняпмиз. Мен декабр ойида ҳазрат Навоийнинг «Шу дамни тут ганиматким, келар дамдан асар йўқдир, недамким ўтди, худ, андин киши топмас нишон ҳаргиз» мисраларини даярли ҳар кун ифтихор оламан.

Унинг маъзини қақишга ҳаракат қиламан.

Ўтаётган вақт ҳаётга ташналигимизни оширади. Биз ўтган кунларимиздан эртанги кун

учун ибрат оламиз. Ҳар яхши онимизни байрам деб қабул қиламиз. Фақат ҳаётнинг қадрига етмайдиганларгина байрамнинг нималигини ҳис қилмайдилар.

Байрамлар қўнғилдаги хуш кайфиятни уйғотади. Хуш кайфият эзгу ишларга рағбат беради. Эзгу ишлар ҳаётимизни янада гўзаллаштиради. Шу маънода Янги йил тантаналари жуда азиз. Унга бутун декабр давомида тайёргарлик кўришимиз бежиз эмас.

Декабрдаги ҳаяжонли кайфият кейинги йилда ҳам барчамизга ёр бўлсин!

Муҳаббат **ТЎРАБОЕВА**

Декабр

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шуниингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.



- * Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- * Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- * Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:

(8-371) 117-46-10, 276-33-51. Факс: (8-371) 276-77-20.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Р.Сайдахмедова Мусаҳҳих - Н.Юлдашев
	Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерларида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган кўлжама ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓜ белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский
		E-mail: ishonch_doverle4@mail.ru			Буюртма Ғ— 1415 Тиражи: 7406 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 19.30 Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 6 7 8



Январ

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

Феврал

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28				

Апрел

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

Май

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Март

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Июн

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	

Июл

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

Октябрь

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

Август

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Сентябр

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

Ноябр

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	

Декабр

А	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

Ижтимоий ҳимоя шарафига
 Инсонга наф келтириш - олди бахт!

"Ишониқ" - сизнинг
 ишониқли ҳамкорчилиги!

